

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 21 ” ноябрь №ПҚ-4526 “ ” 20 г.

**Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини
қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистонда ядро физикаси тадқиқотлари ўтган асрнинг 40-йилларида бошланган бўлиб, 50-йилларига келиб жадал ривожлана бошлади. Мамлакатда юқори малакали олимларнинг мавжудлиги, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида Ўзбекистон олимларининг самарали илмий изланишлари ва амалий ишланмалари 1956 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилишига замин яратди.

Институт ўзининг 60 йилдан зиёд фаолияти давомида ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида дунё илмий ҳамжамияти томонидан тан олинган йирик тадқиқот марказига айланди.

Ўтган йиллар давомида Институт жамоаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди, шу жумладан:

атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, ядро тузилиши назарияси, қуйи ва ўта паст энергияларда ядроларнинг парчаланиши ва қўшилиши физикаси, юқори энергиялар физикаси, астрофизика ва космология, қаттиқ жисм радиацион физикаси, радиокимёнинг фундаментал жиҳатлари соҳаларида **ядровий илмларнинг фундаментал асослари** ривожлантирилди;

амалий радиокимё, радиоизотоплар ва улар асосида радиофармацевтик препаратлар ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун радиацион приборлар ва ускуналар тайёрлаш, опто- ва микроэлектроника учун янги материаллар олиш бўйича **амалий ядро технологиялари** яратилди.

Шу билан бирга, ядро физикаси соҳасида тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, Институтнинг илмий салоҳиятини янада ошириш учун кўшимча чораларни кўриш талаб этилмоқда, хусусан:

илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

ёш олимларни тайёрлаш ва уларни илмий тадқиқотларга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган амалий-илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда тадқиқот реакторидан самарали фойдаланиш;

атом энергетикаси йўналишидаги илмий изланишларни йўлга қўйиш;

Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, замонавий ядровий ускуналар, юқори энергияли циклотрон, юқори қувватли электрон тезлатгичлар, бошқа асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.

Ядро фанлари ва технологияларини ривожлантириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотларни олиб бориш тизимини тубдан такомиллаштириш ва Институт илмий-техник салоҳиятини ошириш, ядровий тадқиқот реакторидан самарали ва бехатар фойдаланишни таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини таъминлашда кадрларнинг малакасини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

назарий ва экспериментал ядро физикаси, атом энергетикаси ва ядровий технологиялар, қаттиқ жисм радиацион физикаси ва материалшунослик, ядровий аналитика ва радиокимё, илмий асбобсозлик бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институти фаолияти самарадорлигини таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

республика мақсадли фан-техника ва инновацион дастурларини бажариш орқали ядро фани ва технологияларини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, таълим муассасаларидаги ўқув жараёнида Институт илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, диссертация ишлари ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

хорижда илмий кадрларнинг касбий малакасини ошириш, шунингдек, Институт илмий фаолиятига чет эллик олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хориждаги ватандошларни жалб қилиш;

Институт фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича мақсадли дастур (кейинги ўринларда – Мақсадли дастур) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастури (кейинги ўринларда – Илмий-тадқиқот ишлари дастури) 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг 2021 йилгача мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган илмий ходимлари сонини босқичма-босқич камайтириб бориш жадвали 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малакасини ошириш режа-графи 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига Мақсадли дастур ва Илмий-тадқиқот ишлари дастури сифатли ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва Мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий масъулият юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги “Эл-юрт умиди” жамғармасининг танлов натижаларига кўра белгиланган тартибда ажратилган маблағлари Институт илмий ходимларининг хорижда малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб:

Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Институтда илмий-техник дастурлар доирасидаги фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилиши тўхтатилади ва бўшаган бюджет маблағлари Институтни сақлаш харажатларининг молиялаштирилишига йўналтирилади.

4. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолияти ҳисобидан тушган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бир ой муддатда:

янги таҳрирдаги Институт устави ҳамда лабораториялар ва илмий ходимлар фаолиятини йиллик баҳолаш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ёрдамчи ходимлар, жумладан, республикадаги илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-ёрдамчи ходимлари штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда Институтни 2020-2024 йилларда ривожланиш концепциясини;

икки ой муддатда 2030 йилгача Институтнинг илмий изланиш фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти
фаолиятини такомиллаштириш бўйича
МАҚСАДЛИ ДАСТУР**

Т/р	Устувор масалалар	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Илмий изланишлар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш				
1.	Ядро физикаси институтининг (кейинги ўринларда – Институт) 2020-2024 йилларда ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш. Бунда халқаро тенденциялар ва илмий изланишлар билан мувофиқликни таъминлаш мақсадида республика ядро физикаси соҳасидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, иқтисодиётнинг реал секторлари (қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, нефть ва газ саноати, ядровий ва радиациявий хавфсизлик ва бошқалар), айнан фан, технологиялар ва атом энергетикасида ядровий технологияларни қўллаш учун кадрларни тайёрлаш заруратини ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг ядровий технологияларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, Институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур замонавий универсал ядро-физикавий қурилмаларни аниқлаш.	–	2020 йил 1 январь	Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	2030 йилгача Институт илмий изланиш фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда халқаро ҳамкорликни эътиборга олиб, республикада ядровий фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли стратегик йўналишларини белгилаш, ушбу йўналишларни ривожлантиришда Институтнинг роли ва ўрнини аниқлаш, янги – ядровий энергетика йўналишини ривожлантиришда Институт учун устувор жиҳатларини белгилаб олиш, Институтнинг кадрлар етиштириб беришдаги ролини кучайтириш.	–	2020 йил 1 март	Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Ядро физикаси институтининг илмий-техник ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда: ядро физикаси ва ядровий технологиялар, қаттиқ жисм радиацион физикаси, ядровий тиббиёт ва атом энергетикаси ҳамда нурланиш манбаларини қўллашга асосланган асбобсозлик соҳасида эришилган натижаларни яқин ва узоқ бўлмаган муддатларда амалиётга татбиқ этиш	–	2020 йил 1 февраль	Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>)

Т/р	Устувор масалалар	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	<p>бўйича таклифлар ишлаб чиқиш; республика корхоналари ва компаниялари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, амалий изланишлар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>		<p>2020 йил 1 июнь</p>	
4.	<p>Республика иқтисодиёти ва фан йўналишларининг долзарб муаммолари ечимига қаратилган илмий изланишларни ташкил этиш ва ишланмаларни яратиш. Бунда иқтисодиёт тармоқларининг илмий ҳажмдор муаммоларини ҳал этиш учун Институт илмий-техник тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида илмий лойиҳаларни шакллантириш.</p>	<p>Илмий-техника дастурларига ажратилган маблағлар</p>	<p>доимий</p>	<p>Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахманов</i>), Ядро физикаси институти</p>
5.	<p>Хориж илмий марказларда ядро фани ва унга ёндош йўналишларда фаолият олиб бораётган хориждаги ватандош олимларимизни Институтдаги илмий изланишларга жалб қилиш. Бунда: хориждаги илмий марказларда фаолият юритаётган ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш; ватандош олимларимиз билан музокаралар олиб бориш; ватандошларимиз иштирокида илмий изланишлар лойиҳаларини тайёрлаш; лойиҳаларни Фанлар академияси ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан мувофиқлаштириш; лойиҳаларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.</p>	<p>“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари</p>	<p>2020 йилдан бошлаб</p>	<p>Фанлар академияси (<i>Б. Юлдашев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахманов</i>), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (<i>А.Бекмурадов</i>)</p>
II. Институт фаолиятини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш				
6.	<p>Илмий ишлар натижаларини инвентаризация қилиш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда Институтнинг илмий ишларини инвентаризация қилиш, Ўзбекистон Республикаси патентлари билан ҳимояланган интеллектуал мулк объектларини баҳолаш, иқтисодиётнинг реал секторларида татбиқ этиш долзарблигидан келиб чиқиб, истиқболли илмий ишланмаларни таҳлил қилган ҳолда уларнинг рўйхатини ва уларни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>-</p>	<p>2020 йил 1 январь</p>	<p>Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (<i>Т.Абдусатторов</i>)</p>

Т/р	Устувор масалалар	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
7.	<p>Институт илмий ишланмаларининг доимий янгиланиб турадиган маълумотлар электрон базасини яратиш. Бунда Институт илмий ишланмалар маълумотлар электрон базаси дастурини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам янгилаб туриш.</p>	-	2020 йил 1 апрель	Ядро физикаси институти (<i>Б.Юлдашев</i>)
8.	<p>Инновацион ғоялар ва ишланмаларни ички ва ташқи бозорда тижоратлаштириш хизматини ташкиллаштириш. Бунда инновацион ғоялар ва ишланмаларни тижоратлаштириш хизматини ташкил этиш юзасидан таклиф тайёрлаш.</p>	-	2020 йил 1 февраль	Ядро физикаси институти (<i>Б.Юлдашев</i>)
9.	<p>Ядро фани ва ядровий технологиялар соҳаси учун кадрлар тайёрлаш. Бунда: ёшларни институт илмий фаолиятига қизиқтириш мақсадида Республиканинг соҳавий олий ўқув юртларида аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар олиб бориш; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига магистрлик диссертация ишларини Институт илмий лабораторияларида бажариш бўйича таклиф киритиш; Институт ходимлари ва бўлимларининг турдош кафедраларга эга “ММФИ” Россия миллий илмий тадқиқот ядро университети филиали, Ўзбекистон миллий университети ва Самарқанд давлат университетининг ўқув жараёнида иштирок этишини таъминлаш.</p>	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари Давлат бюджети	доимий 2019 йил 1 декабрь 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб	Ядро физикаси институти (<i>Б.Юлдашев</i>)
10.	<p>Ёш олимларни Институтга жалб этиш бўйича самарали чора-тадбирларини амалга ошириш. Бунда: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига битирувчи ёш мутахассисларни тақсимлаш тизимини қайта тиклаш тўғрисида таклиф киритиш; Давлат гранти лойиҳалари штат жадвалида ёш олимлар улуши 30 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш; ёш магистрлар учун стажер-тадқиқотчи лавозимидан мақсадли фойдаланиш.</p>	-	2020 йил 1 январь 2020 йил 1 январь доимий	Фанлар академияси (<i>Б.Юлдашев</i>), Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахмонов</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>И.Маджидов</i>)
11.	<p>Ядро физикаси институти илмий фаолиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган илмий йўналишлар бўйича докторантурага квоталар ажратиш. Бунда докторантурада янги ихтисосликларни очиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, диссертация ишини амалга</p>	Давлат бюджети	2020 йил 1 июнь	Инновацион ривожланиш вазирлиги (<i>И.Абдурахманов</i>), Фанлар академияси

Т/р	Устувор масалалар	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	ошириш юзасидан узоқ муддатли илмий сафарга жўнатишни ташкиллаштириш.			<i>(Б.Юлдашев), Ядро физикаси институти (Б.Юлдашев)</i>
12.	Магистрларни Институт илмий-изланиш лойиҳаларига жалб қилиш. Бунда турдош олий таълим муассасалари билан магистрлик диссертацияларини Институтда бажариш тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни Фанлар академияси ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун киритиш.	Манфаатдор олий таълим муассасалари маблағлари	2020 йил 1 май	Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Маджидов)</i>
III. Институт рақобатдошлигини таъминлаш				
13.	Хориждаги илмий муассасалар ва марказлар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришни кенгайтириш. Бунда: Институт асосий илмий йўналишлари бўйича ҳамкорликда олиб бориладиган изланишларни келишиб олиш ва шу йўналишлар бўйича иш режаларини ишлаб чиқиш; қизиқиш билдирган турдош етакчи хорижий илмий марказлари, жамғармалари ва ташкилотлари билан шартномалар тузиш; илмий даражага эга изланувчиларнинг хориждаги анжуманлар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларда қатнашишини йўлга қўйиш.	Халқаро молия институтлари, хорижий ва донор ташкилотларнинг грантлари ва маблағлари	2020 йил 1 январь доимий доимий	Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов)</i>
14.	Ядровий тадқиқотлар бирлашган институти (Россия Федерацияси) билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Бунда Ядровий тадқиқотлар бирлашган институти билан ҳамкорликда олиб бориладиган илмий изланишлар ҳамда мазкур институт базасида кадрлар тайёрлаш иш режаларини ишлаб чиқиш, докторантларни диссертация ишини бажариш юзасидан узоқ муддатли илмий сафарга юбориш.	Аъзолик бадали маблағлари	2020 йил 1 июнь	Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)</i>
15.	Катта Адрон Коллайдери йирик халқаро илмий лойиҳаларида Институт ходимларининг иштирокини таъминлаш. Бунда: Катта Адрон Коллайдерида ҳамкорликда олиб бориладиган илмий изланишлар режасини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш; қўшма тадқиқотларда қатнашиш.	-	2020 йил 1 апрель доимий	Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев), Инновацион ривожланиш вазирлиги</i>

Т/р	Устувор масалалар	Молиялаштириш манбалари	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
				<i>(И.Абдурахмонов),</i> Ташқи ишлар вазирлиги <i>(А.Камилов)</i>
16.	<p>Институтда олиб бориладиган илмий изланишлар асосий йўналишлари бўйича халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманлар ташкил этиш ва ўтказиш. Бунда:</p> <p>республикада ўтказиладиган илмий-техникавий тадбирлар режасига киритиш учун ядровий энергетика ва ядровий технологиялар бўйича халқаро тадбирлар тақвимий режаларини тузиш ва Фанлар академияси билан мувофиқлаштириш;</p> <p>ҳар икки йилда “Ядро физикаси ва ядровий технологиялар” мавзусида республика ёш физиклар анъанавий анжуманини ўтказиб бориш.</p>	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва хомийлар маблағлари	доимий	Фанлар академияси <i>(Б.Юлдашев)</i>
IV. Институт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш				
17.	<p>Илмий ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва реагентлар олиш бўйича йиллик дастурни амалга ошириш. Бунда:</p> <p>Институтга зарур бўлган хорижда ишлаб чиқарилган замонавий илмий ускуналарни олиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш;</p> <p>ускуналар рўйхатини Фанлар академияси билан мувофиқлаштириш;</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлигига илмий ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва реагентларни олиш йиллик дастурини тақдим этиш.</p>	Инновацион фаолият ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	2020 йил 1 январь 2020 йил 1 февраль доимий	Ядро физикаси институти <i>(Б.Юлдашев),</i> Инновацион ривожланиш вазирлиги <i>(И.Абдурахмонов)</i>

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг
2020–2024 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари
ДАСТУРИ**

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
Назарий ядро физикаси лабораторияси					
<p align="center">Қуйи ва ўта паст энергияларда кўпнуклонли тизимларнинг коллектив ва микроскопик хоссаларини тадқиқ этиш</p>	<p>Реакциялар бинар маҳсулотлари ҳосил бўлишида квазибўлиниш ва чуқур ноэластик тўқнашувлар ролини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш.</p> <p>Икки ўлчамли номарк динамик тизимини таҳлил қилиш.</p> <p>Оғир ядролар коллектив ғалаёнланиш спектрида юқори тартибли эффектларни таҳлил қилиш.</p> <p>Енгил ядроли реакциялар учун асимптотик меъёрлаштирувчи коэффициентларни аниқлаш.</p> <p>Уч альфа заррали углерод-12 ядросида квант фазавий ўтиш хусусиятларини тадқиқ этиш.</p> <p>Гиперсферик Лагранж-меш усулига асосланган уч заррали модель доирасида бор-8 ва литий-8 енгил ядроларининг тузилишини ўрганиш.</p> <p>Гаусс асосидаги</p>	<p>Мақолалар, тезислар.</p> <p>Конференцияларда катнашиш, илмий хисоботлар</p>	<p align="center">2020 й.</p>	<p>Бинар маҳсулотлар ҳосил бўлишининг тўлиқ кесими ҳисобланади, квазибўлиниш ва чуқур ноэластик сочилиш ҳиссаси аниқланади.</p> <p>Квант тизимларнинг хусусиятларига ташқи майдонларнинг таъсир этиш қонуниятлари аниқланади.</p> <p>Ноадиабатик коллектив яқинлашиши доирасида оғир ядроларнинг staggering эффектнинг тавсифи кўрсатилади.</p> <p>Бериллий-7 синтези реакциясининг барьеролди дифференциал периферия кесимини таҳлил қилиб, бериллий-7 радионуклиди синтезининг асимптотик мезонловчи коэффициенти ҳисобланади.</p> <p>¹²C ядросининг</p>	<p>Олинган натижалар қуйидагиларда қўлланилади:</p> <p>оғир ядроларнинг ҳосил бўлиш кесимларини ҳисоблашда;</p> <p>мураккаб тизимлар хоссаларига ташқи омилларнинг таъсирини кўрсатишда;</p> <p>оғир ядроларни коллектив ғалаёнлантиришдаги катта спинларни юқори даражали кузатишларда;</p> <p>қуйи энергияларда ⁶Li(p, γ)⁷Be и ³He(α, γ)⁷Be ядро-астрофизикавий реакцияларни ҳисоблашда;</p> <p>Енгил ядроларнинг электромагнит тузилишини, ядро зарядининг тақсимланиш зичлигини ўрганишда.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан қутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>вариациявий усул доирасида бор-8 ва литий-8 энгил ядроларининг тузилишини тадқиқ этиш.</p>			<p>ғалаёнланган ҳолатдаги α-потенциаллари тақиқланган ҳоллардаги асосий энергетик спектрлари таҳлил қилиниб ҳисобланади.</p> <p>Бериллий-7 ва литий-8 ядроларининг яриманалитик кўринишдаги тўлқин функциялари олинади ва энергетик спектри ҳамда ўртача квадрат радиуси ҳисобланади.</p>	
<p>Бир нечта жисмлар квант физикаси масалаларини ечиш учун юқори самарали вариациявий усулларни ривожлантириш</p>	<p>Ядроларни бириктириб олиш ва бўлинишида сирт таранглиги кучининг ўрнини тадқиқ этиш. Икки ядроли тизим ядролари боғларининг ҳосил бўлиш ва узилиши динамикаси.</p> <p>Турли геометрик тузилишли ядроларнинг бирга бўлиш ҳолатларини таҳлил қилиш.</p> <p>Протонларда протонлар сочилиши ядро-астрофизикавий реакциясининг асимптотик назариясини ишлаб чиқиш.</p> <p>Икки ва уч жисмли моделлар доирасида астрофизик S-фактор, бор-8 ядроси синтези реакциясининг тезлигини назарий таҳлил қилиш.</p> <p>Катта портлашдан кейин бор-8 ядролари тарқалишини назарий</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2021 й.</p>	<p>Оғир ионлар билан кечадиган ядро реакцияларида икки ядроли тизимлар, сирт эффеқтлари динамикасини аниқлаш.</p> <p>Ядролар бирга бўлишининг турли ҳолатлари аниқланади.</p> <p>Ўта паст энергияларда off-shell кулон $e^+ p$ – сочилишининг умумий спин кинематикасидаги нейтроннинг релятивистик позитронга бериш реакцияси тезлиги ҳисобланади.</p> <p>Бор-8 ядроларининг ҳосил бўлиш реакцияси ва унинг катта портлашдан</p>	<p>Олинган натижалар куйидаги ҳолларда қўлланилади:</p> <p>чуқур нозластик реакциялар динамикаси ва ўта оғир элементлар ядроларининг ҳосил бўлишини таърифлаш;</p> <p>оғир ядроларнинг баъзи статик хусусиятларини кўрсатиб бериш;</p> <p>куёш ва юлдузлардаги астрофизикавий жараёнларни таърифлаш;</p> <p>Куёш нейтриноси билан боғлиқ масалаларни ечиш.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	баҳолаш.			кейин тарқалиши тезлиги ҳисобланади.	
	<p>Ядро шаклларининг ўзгариши динамик суяқ томчи ва квант тизими учун ҳаракат тенгламасини олиш.</p> <p>Оғир ядролардаги электрик квадрупол хоссаларни эътиборга олиб, ядроларда бирга бўлиш шаклларини таҳлил қилиш.</p> <p>Умумлаштирилган уч заррали асимптотик назарияни ишлаб чиқиш.</p> <p>Гиперсферик Лагранж-меш базисига асосланган учзаррали модель доирасида бериллий-7 ва литий-7 энгил ядролари тузилишини тадқиқ этиш.</p> <p>Гаус базиси асосидаги вариациявий усул доирасида бериллий-7 ва литий-7 энгил ядроларининг тузилишини тадқиқ этиш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	2022 й.	<p>Қаватли ва гидродинамик модель доирасида ядро шаклининг ўзгариш динамикасини таърифлашнинг динамик ҳаракат тенгламаси аниқланади.</p> <p>Ядроларнинг турли бирга бўлиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг электромагнит хоссалари тадқиқ этилади.</p> <p>Узатиш механизмида учзаррали кулон динамикасини аниқ ҳисобга олган ҳолда ядронинг кучсиз боғланган чегараолди ҳолатларида зарядланган зарраларни узатиш юза бинар реакциялари тадқиқ этилади.</p>	<p>Олинган натижалар куйидагиларни таърифлашда ишлатилади: ўта оғир ядролар ҳосил бўлиш реакциялари динамикаси; ўта оғир ядролар тузилиши ва статик хоссалари; куёш ва юлдузлардаги термойдровий жараёнлар; энгил зарраларни узатиш реакциялари.</p>
	<p>Нуклонларнинг ўзаро тенг узатилмаслиги шароитида икки ядроли тизимларнинг ҳосил бўлиши ва парчаланишини ҳисоблаш.</p> <p>Оғир ядроларда турли геометрик шакллари ўртасидаги ўтишларни таҳлил қилиш.</p> <p>Учзаррали умумлашган асимптотик назарияни ишлаб</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	2023 й.	<p>Динамик ҳаракат тенгламаси аниқланиб қаватли ва гидродинамик модель доирасида ядровий жараёнларни тарифлашга қўлланилади.</p> <p>Ядроларнинг турли бирга бўлиш ҳолатлари кўрсатилиб, уларнинг электромагнит хоссалари</p>	<p>Олинган натижалар куйидагиларни тарифлашда ишлатилади: чуқур нозластик реакциялар ва ўтаоғир элементларнинг ҳосил бўлиш динамикаси; оғир ядроларнинг баъзи статик ва электромагнит</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>чиқиш (давоми). Фтор-17 ядросининг уч заррали континуум тузилишини боғланган каналлар дискретлаш усулида тадқиқ этиш. Паст энергияларда кислород-16 ядролари томонидан протонларни ютиб олиш реакциясининг дифференциал кесимини назарий баҳолаш.</p>			<p>тадқиқ этилади. Учзаррали асимптотик назария ёрдамида $^{10}\text{B}(^7\text{Be}, ^8\text{B})\ ^9\text{Be}$ и $^{14}\text{N}(^7\text{Be}, ^8\text{B})^{13}\text{C}$ реакциясининг дифференциал кесими таҳлил қилинади, $^7\text{Be}+p \rightarrow ^8\text{B}$ учун асимптотик меёрловчи коэффициент аниқланади. Сочилишнинг учзаррали тўлқин функцияси ва куйи энергияларда $p+^{16}\text{O} \rightarrow ^{15}\text{O}+d$ пикап-реакциясининг дифференциал кесими ҳисобланади.</p>	<p>хоссаларини аниқлаш куйи энергияларда $^7\text{Be}(p, \gamma)^8\text{B}$ реакцияси тезлигини ҳисоблаш. Натижалар протон терапияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади.</p>
	<p>Тўқнашаётган ядролар шакллариининг ҳар хил деформацияланиши шароитида икки ядроли тизимларнинг ҳосил бўлиши ва парчаланишини ҳисоблаш. Оғир ядролар шаклининг фазавий ўтиш соҳасидаги моделини ривожлантириш. Умумлашган уч заррали асимптотик назарияни ишлаб чиқиш (давоми). Икки ва уч жисмли модель доирасида бериллий-7 ядроси синтези астрофизикавий реакцияси тезлигини назарий</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2024 й.</p>	<p>Икки ядроли тизим ҳосил бўлиш динамикасига ядролар тўқнашуви деформациясининг таъсири аниқланади. Тўлиқ энергия эгрисидаги критик токнинг бузилган минимумлари ҳисобланади. Умумлашган учзаррали асимптотик назария ёрдамида $^{14}\text{N}(^{13}\text{N}, ^{14}\text{O})^{13}\text{C}$ реакциясининг дифференциал кесимини таҳлил қилиш, $^{13}\text{N}+p \rightarrow ^{14}\text{O}$ учун асимптотик</p>	<p>Олинган натижалар куйидагиларни таърифлашда ишлатилади: чуқур ноэластик реакциялар ва ўтаоғир элементларнинг ҳосил бўлиши; оғир элементларнинг баъзи статик хоссалари; ўта паст энергияларда $^{13}\text{N}(p, \gamma)^{14}\text{O}$ реакцияси тезлигини ҳисоблаш. Натижалар литийнинг Коинотда тарқалишини аниқлаш, кучли ўзаро таъсир, адронлар</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>баҳолаш. Киралкварк модели доирасида нуклон ва дельта резонанслар тузилишини тадқиқ этиш.</p>			<p>меъёрловчи коэффициентлар аниқланади. Асимптотик S-фактор, $p+{}^6\text{Li} \rightarrow {}^7\text{Be} + \gamma$ синтез реакцияси тезлиги ҳамда шу жараённинг ${}^7\text{Li}$ нинг Катта портлашдан кейинга тарқалишига таъсири ҳисобланади.</p>	<p>тузилишини ўрганишда қўлланилади.</p>
Кўп заррали тизимлар физикаси лабораторияси					
<p>Кўпзаррали жараёнларнинг ядровий, атом ва космологик масштаблардаги динамик моделини ишлаб чиқиш</p>	<p>Дискрет коинот космологик моделини яратиш учун Эйнштейннинг майдон тенгламаларини олиш ва макроскопик гравитацион назариясини ривожлантириш. Кўпўлчамли гравитациявий моделларни ривожлантириш ва олинган майдон тенгламалари ечимини қидириш. Икки сатҳли зарралар тизими ва электромагнит модлар диссипациясини тадқиқ этиш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2020 й.</p>	<p>Коинотнинг ячейкали тузилишини ҳисобга олувчи космологик модель аниқланади. Гравитациянинг макроскопик назарияси ривожлантирилади. Астрофизикавий объектларнинг ички аналитик ечими уларнинг ҳолат тенгласини ҳисобга олиб аниқланади.</p>	<p>Қўлланилиш соҳалари – астрофизика, космология, биология.</p>
<p>Таъсирлашувчи зарраларнинг катта тизими эволюциясини тадқиқ этиш ва уни информацион технологиялар ва биологияда қўллаш</p>	<p>Тенгламаларни ечиш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни таснифлаш. Кенг кўламли динамик фактор тенгласини ечиш. Кўпзаррали атом тизимлари учун уларнинг ички тузилишини ҳисобга олиб, квант статистикаси усулларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2021 й.</p>	<p>Дискрет коинотнинг космологик модели доирасида кенг кўламли фактор ечими аниқланади. Астрофизикавий объектлар атрофидаги кўпзаррали молекуляр жараёнлар кинетикасини таърифловчи модель</p>	<p>Қўлланилиш соҳалари – астрофизика, космология, каттиқ жисмлар физикаси, асбобсозлик, биология ва информацион технологиялар. Олинган натижалар техникада қўлланиладиган ўта мустаҳкам иплар олишда қўлланилиши мумкин.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>Қаттиқ жисмлар тузилиши бир ўлчамли структураларининг физик параметрларига таъсирини ҳисобга олиб, қаттиқ жисмлар структурасини таҳлил қилиш.</p> <p>Боғланиш учун маълумот узатиш тизимини яратиш учун квант кинетик тенгламалар ечимидан фойдаланиш.</p>			<p>яратилади.</p> <p>Бир ўлчамли объектлар физикавий тавсифи тенгламасини унинг таркиби ва симметриясига боғлиқ равишда тузиш ва ечиш усуллари ишлаб чиқилади.</p>	
	<p>Олинган космологик модель асосида молекуляр ва атомар водороддан ташкил топган протоюлдузлар булутининг шаклланиш назариясини яратиш. Кўпзаррали молекуляр жараёнлар ва булутлар коллапсини тадқиқ этиш.</p> <p>Қаттиқ жисмлар тузилишини уларнинг икки ўлчамли структураларнинг физик параметрларига таъсирини ҳисобга олиб таҳлил қилиш.</p> <p>Нейронларда содир бўладиган жараёнларни тадқиқ қилиш учун квант кинетик тенгламалар занжири ечимини қўллаш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар.</p>	<p>2022 й.</p>	<p>Икки ўлчамли объектлар физикавий тавсифи тенгламасини унинг таркиби ва симметриясига боғлиқ равишда тузиш ва ечиш усуллари ишлаб чиқилади.</p> <p>Локал молекуляр жараёнларга боғлиқ ҳолда марказий объект коллапси тенгламаси яратилади.</p>	<p>Қўлланилиш соҳалари – астрофизика, қаттиқ жисмлар физикаси, асбобсозлик, биология.</p> <p>Олинган натижалар ўта сезгир детекторлар олишда қўлланилиши мумкин.</p>
	<p>Қаттиқ жисмлар тузилишини уч ўлчамли структураларнинг физикавий кўрсаткичларига таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқиш.</p> <p>Гравитациянинг майдон тенгламаси ва уни астрофизикада</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2023 й.</p>	<p>Уч ўлчамли объектлар физикавий тавсифи тенгламасини унинг таркиби ва симметриясига боғлиқ равишда тузиш ва ечиш усуллари ишлаб чиқилади.</p>	<p>Қўлланилиш соҳалари – қаттиқ жисмлар физикаси, асбобсозлик, квант статистикаси.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>қўллашнинг аниқ аналитик ечимини топиш.</p> <p>Ташқи кучлар таъсирини ҳисобга олиб, квант кинетик тенглама занжирини тадқиқ этиш.</p>			<p>Ҳолат тенгламасини ҳисобга олган ҳолда астрофизик объектлар учун ички ечим яратилади ва таснифланади.</p>	
	<p>Халқа, диск, тор, Сатурнга ўхшаш объектлар учун Эйнштейн тенгламаларини вакуумли ва ички ечимини топиш. Бир ўлчамли – уч ўлчамли структуралар учун олинган кўп ўлчамли ечимлари учун уларнинг умумлашмаларини кўриб чиқиш.</p> <p>Квант кинетик тенглама занжири ечимини биологик жараёнларни тадқиқ этишда қўллаш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2024 й.</p>	<p>Тадқиқ этиладиган астрофизикавий объектлар учун аниқ вакуум ва ички ечимлар аниқланади.</p>	<p>Қўлланилиш соҳалари – астрофизика, қаттиқ жисмлар физикаси.</p>
Ядро реакторлари физикаси лабораторияси					
<p>Бўлиниш маҳсулотлари ва трансуран изотоплари радиофаоллигини камайтириш ва уларнинг ВВР-СМ тадқиқот реакторининг конструкцион материалларига таъсири</p>	<p>Cf-252 ва Hf-150 нейтрон генератори каби нейтрон манбаларидаги реакциялар асосида нейтрон манбаларининг самарадорлигини тадқиқ этиш.</p> <p>Конструкцион материалларнинг электр ўтказувчанлиги кўрсаткичига кўра нейтронлар билан нурланиш дозасини ишлаб чиқиш ва реактор актив зонаси кўрсаткичларини аниқлаш.</p> <p>ВВР-СМ реакторида ИРТ-4М</p>	<p>Мақолалар, тезислар, муаллифлик гувоҳномалари. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2020 й.</p>	<p>Бўлиниш маҳсулотлари ва трансуран изотоплари фаоллигини камайтириш мақсадида нейтронлар манбаси самарадорлиги аниқланади.</p> <p>Реактор фаол зонаси кўрсаткичлари ва конструкциявий материалларнинг нейтронлар билан нурланиш дозасини уларнинг электр</p>	<p>Натижалар трансмутация цикли самарадорлиги мезонларини аниқлашда қўлланилади.</p> <p>ВВР-СМ реакторини эксплуатация қилишда қўлланилади.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
<p>Ёқилғи цикллари оптималлаштириш ва ВВР-СМ ядро реактори параметрларини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>русумли ядро ёқилғисини максимал ёқиш шароитларини тадқиқ этиш.</p>			<p>Ўтказувчанлиги орқали аниқлаш усули ишлаб чиқилади.</p> <p>ИРТ-4М русумли ядро ёқилғисини максимал ёқиш шароитлари аниқланади.</p> <p>Материалларнинг электр ўтказувчанлиги асосида нейтронлар оқими зичлигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилади.</p>	
	<p>Конструкция материаллар хоссалари, жумладан иссиқлик ва эластиклик хусусиятларига ядро ёқилғиси радиоактив нурланишининг таъсирини тадқиқ этиш.</p> <p>Конструкция материаллар ва улар атрофидаги турли намуналарда ВВР-СМ реактори нейтронлари спектри ҳосил қиладиган дозалар тақсимотини баҳолаш.</p> <p>ВВР-СМ ядро реакторини эксплуатация қилиш мобайнида ишлатилган ядро ёқилғисининг герметиклигини назорат қилиш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар, муаллифлик гувоҳномалари. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар.</p>	<p>2021 й.</p>	<p>ВВР-СМ ядро реактори конструкциявий материалларнинг иссиқлик ва эластиклик хоссаларига радиоактив нурланишнинг таъсир қилиш механизми аниқланади.</p> <p>Ядро реактори конструкциясининг асосий элементларини эксплуатация қилиш вақтини баҳолаш учун дозалар тақсимоти ҳисобланади.</p> <p>Ишлатилган ядро ёқилғиси герметиклигини назорат қилиш усули ишлаб чиқилади.</p>	<p>ВВР-СМ реакторини эксплуатация қилишда қўлланилади.</p>
	<p>Радиациявий хавфсизлик меъёрлари асосида ядровий қурилмада авария ҳолатларини моделлаштиришда атроф-муҳитга бўлган радиологик</p>	<p>Мақолалар, тезислар, муаллифлик гувоҳномалари. Конференция-</p>	<p>2022 й.</p>	<p>Атроф-муҳитга радиологик хавф баҳоланади. Ядро реакторларини хавфсиз эксплуатациядан чиқариш</p>	<p>Натижаларнинг қўлланилиши ходимлар, аҳоли ва атроф-муҳитга радиациявий таъсирни камайтирилишини</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	<p>хавфни баҳолаш. Радиоактив чиқиндилар ва ишлатилган иссиқлик ажратувчи тўплалардан чиқадиган радиоактив нуклидлар билан ифлосланган радиоактив аэрозоллар миқдорини баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>ларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>		<p>қонуниятлари аниқланади. Радиоактив чиқиндилар ва ишлатилган ядро ёқилғисидан ажралиб чиқадиган радиоактив нуклидлар билан ифлосланган радиоактив аэрозоллар миқдорини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилади.</p>	<p>таъминлайди.</p>
	<p>Бўлиниш маҳсулотлари ва трансуран изотоплари фаоллигини камайтириш усулларини тадқиқ этиш. Ядро ёқилғисининг ёниш даражасини ошириш ва реакторнинг фаол зонасида энергиянинг бир текис ажралиб чиқиш даражасини аниқлаш. Турли даражада ёнган ядро ёқилғисининг герметиклигини аниқлаш.</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар</p>	<p>2023 й.</p>	<p>Бўлиниш маҳсулотлари ва трансуран изотоплари активлигини камайтириш усуллари аниқланади. Реакторнинг фаолзонасида ёқилғини рационал жойлаштириш ва қайтарувчиларнинг оптимал конструкциясини қўллаш, бойитишни муқобиллаштириш ҳисобига энергиянинг нотекис ажралиши камайтирилади. Турли даражада ёнган ядро ёқилғисининг герметиклиги аниқланади.</p>	<p>ВВР-СМ реакторини эксплуатация қилишда қўлланилади.</p>
	<p>Трансмутацион циклнинг мезонларини аниқлаш. ВВР-СМ ядро реактори ишлаш режимини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган усулларни қўллаш бўйича таклифлар ва йўриқномалар</p>	<p>Мақолалар, тезислар. Конференцияларда қатнашиш, илмий ҳисоботлар.</p>	<p>2024 й.</p>	<p>Трансмутацион циклнинг мезонлари аниқланади. ВВР-СМ ядро реактори ишлаш режимини оптималлаштириш бўйича</p>	<p>ВВР-СМ реакторини эксплуатация қилишда қўлланилади.</p>

Мавзунинг номи	Тадқиқот йўналишининг мазмуни	Натижаларни тақдим қилиш кўриниши	Бажариш муддати	Тадқиқотлардан кутилаётган натижалар	Амалиётда қўлланилиши
	тузиш.			ишлаб чиқилган усулларни қўллаш бўйича таклифлар ва йўриқномалар тузилади.	
Ядровий тиббиёт лабораторияси					
